


**«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

---

**2020 йил учун  
«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**



---

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ КЕНГАШИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН  
(20.11.2019 йилдаги К-27 сонли баённома)**

---

## Мундарижа

**КИРИШ .....** **2**

**ЖОРӢ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ШИОРЛАРИ .....** **3**

Макроиқтисодий тамойиллар ..... 3

Ўзбекистон банк сектори..... 5

Асосий воқеалар ва банкнинг жорӣ фаолияти ..... 8

Банкнинг бозордаги мавқеи ..... 9

**БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙӮНАЛИШЛАРИ..... 12**

Кредит фаолияти..... 14

Инвестиция ва эмиссия фаолияти ..... 15

Банклараро ва валюта бозорларидаги операциялар ..... 16

Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият..... 17

Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар ..... 17

Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш ..... 20

**БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР..... 23**

Банкнинг турғунлигини ошириш ва таваккалчликни бошқариш тадбирлари ..23

Ички назорат тизими ..... 24

Ахборот технологиялари ..... 25

Банк ходимларини камол топтириш..... 26

**МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ..... 27**

## ИЛОВАЛАР

Баланс кўрсаткичлари истиқболи

Даромадлар ва харажатларнинг истиқболли ҳисоботи

## КИРИШ

Ушбу Бизнес-режа «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ томонидан 2020 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни, шунингдек банкнинг 2020 йил молиявий режасини ўз ичига олади.

«ASIA ALLIANCE BANK» Акциядордорлик тижорат банки (матн бўйича кейинги ўринларда - банк) 2009 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.1997 й.даги ПФ-1749-сонли «Хусусий тижорат банклари ташкил этилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил топган. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 15.08.2009 йилдаги 79-сонли (2017 йил 21 октябрда 79 сон билан қайта рўйхатдан ўтган) лицензияси асосида амалга оширади. Банкнинг Бош офиси 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А-уй манзилида жойлашган.

Банк Ўзбекистон банклари ассоциациясининг, Фуқаролар омонатларини кафолатлаш жамғармасининг, Ўзбекистон валюта биржасининг аъзоси ва VISA International Халқаро ташкилотининг уюшган аъзосидир.

Moody's Investors Service халқаро рейтинг агентлиги томонидан миллий ва хорижий валютадаги депозитлар бўйича банкка узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглар B2 глобал шкаласи бўйича, контрагент таваккалчилиги (Counterparty Risk Assessment) бўйича B1 даражасида тақдим этилган. Банк шунингдек “Ahbor-Reyting” маҳаллий рейтинг агентлигининг кредит рейтингини олган бўлиб, у миллий шкала бўйича “Барқарор” истиқболи бўйича “uzA+” даражасида баҳоланган.

## ЖОРИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ ШИОРЛАРИ

### Макроиктисодий тамойиллар

2019 йилнинг ўтган даври мобайнида Ҳукумат томонидан аҳолининг реал даромадларини ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш, арzon уй-жой қуриш бўйича мақсадли дастурлари ўз вақтида молиялаш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш учун шаҳар ва қишлоқларда ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялашга алоҳида эътибор ажратилди.

Хусусан, мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш, янги иқтисодий ва саноат ҳудудларини яратиш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодий рағбатлантириш чораларини кенг қўллаш орқали иқтисодиёт тармоқларига ва ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳаракатларни интенсивлаштириш бизнес ҳамкамиятида ижобий интилишлар учун асос яратди.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширилиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш ва бунинг учун масъул муассасаларнинг фаолиятини таркибий қайта ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўтказаётган испоҳотларнинг бажарилиши 2019 йилнинг 9 ойи давомида турғун ва барқарор ривожланишни таъминлади.

#### Ўзбекистоннинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2019 йилнинг 9 ойида, млрд.сўм	2018 й.нинг январь-сентябрь ойидагига нисбатан % ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	361 858,4	105,7
Саноат	96 227,9	107,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	92 186,7	102,4
Хизматлар, жами	118 143,7	125,1
Курилиш ишлари	22 561,0	119,3

манба: ЎзР Давстат

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 361 858,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-сентябри билан таққослаганда реал қийматда 5,7 % га ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-сентябридаги нархларга нисбатан 118,0 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 10 805 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 % га ошган

Ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда саноат маҳсулотлари 7,0% га, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2,4% га, жами хизматлар 125,1% га ўсди.

Туар жой мажмуаларини, ижтимоий соҳа ва муҳандислик инфратузилма объектларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, шунингдек, саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар

---

натижасида қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,3 фоизга ўсди.

Мамлакатиизда олиб борилаетган испоҳотлар хорижий давлатлар билан савдо алоқаларининг жадал ўсишига хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қарорлар маҳаллий компанияларга ташқи бозорларда кўпроқ тажриба ортиришга имкон беради ва бу уларга жаҳон савдосида рақобатбардошлгида афзаллик беради.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган испоҳотлар натижасида 2019 йилнинг январь-октябрь ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси 31 645,8 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8 577,1 млн. АҚШ долларига ёки 37,2% га ошган. Ушбу кўрсатгичда экспорт ҳажми 13 677,0 млн. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 45,5%) ва импорт ҳажми эса 17 968,8 млн. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 31,5%) етди. Ҳисобот даврида 4 291,7 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо айланмаси қайд этилди.

Ўзбекистон жаҳоннинг 181 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Республика ташқи савдо айланмасида салмоқли ҳажми Хитой Халқ Республикаси (18,7%), Россия Федерацияси (14,9%), Қозогистон (8,3%), Корея Республикаси (6,6%), Туркия (5,8%), Германия (2,4%) ва Қирғизистон (2,0%) билан қайд этилди.

2019 йил январь-октябрь ойлари якунларига кўра МДҲ мамлакатлари билан савдо ҳажми 10 703,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди ва Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши 33,8% га етди.

2019 йилнинг январь-сентябрида 72,4 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микро фирмалар (фермер ва дехқон хўжаликлари ҳисобга олмагандан) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 мартаға кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микро фирмалар савдо соҳасида (38,6%), саноат (21,8%), қурилиш (10,0%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,5%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7,5%), ташиш ва сақлаш (3,3%) тармоқларида ташкил этилган.

2019 йилнинг жорий ҳисобот даврида асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми 134,0 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 46,0% ўсиши қайд этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадлари 251,8 трлн. сўмни ташкил этди, ўсиш суръати 122,3% га етди.

Аҳоли жон бошига умумий даромадлари эса 7,5 млн. сўмни, номинал ўсиш суръати – 120,0%, реал ўсиш суръати - 105,2% ни ташкил этди.


## Ўзбекистон банк сектори

2019 йилнинг ўтган 9 ойи давлат ва жамоат қурилиши соҳаси иқтисодиёт тармоқларида соҳада содир бўлган муҳим ўзгаришлар билан боғлиқ катта воқеаларга бой бўлди. Валюта бозорини либераллаштиришга қаратилган муҳим ўзгаришлар ва эркин конвертациянинг очилиши йилнинг энг муҳим воқелари бўлиб қолди, тадбиркорлик субъектлари ва банкларнинг ишчанлиги ва фаоллиги ўсиши учун катта омил бўлиб хизмат қилди. Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкаси 16% да сақлаб турилди.

01.10.2019 йил ҳолатига республикада тижорат банклар сони 30 та, филиаллар сони 847 тани ташкил этди.

2018 йил 9 ой натижаларига нисбатан Ўзбекистон банкларининг жами активлари 44% га, кредит портфели эса 55% га ўсиб, мос равишда 290,8 трлн. сўм ва 231,1 трлн. сўмни ташкил этди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида депозитлар ҳажми 67,3 трлн. сўмдан 91,3 трлн. сўмга, ёки 36% га ошиди. Банкларнинг жами капитал ҳажми ҳам 36% га ошиб, 34,1 трлн. сўмни ташкил этди.

**Банклар активлари ва кредитлари, трлн. сўм**



**Банклар депозитлари ва капитали, трлн. сўм**



**Банклар активлари тузилиши,  
01.10.2019й. ҳолатига, трлн. сўм, %**



**Банклар депозитлари тузилиши,  
01.10.2019й. ҳолатига, трлн. сўм, %**



Банк активлари таркибида 80% улуш кредитларга тегишли. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида нақд пул ва Марказий банқдаги маблағлар абсолют миқдорда ошишига қарамасдан уларнинг банк активларидағи улуши 8% дан 6% камайган. Активлар таркибида банклараро маблағларнинг улуши ҳам 12% дан 8% га камайган.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида депозитлар таркибида муддатли депозитлар 28,4 трлн. сўмдан 50,5 трлн. сўмга ўсганлиги кузатилди (ўсиш - 78%). Шу билан бирга талаб қилиб олингунча депозитлар ҳажми 1,8 трлн. сўмга ошди (ўсиш – 5%).

Жорий йилнинг 9 ой якунлари натижаларига кўра иқтисодиётни кредитлаш 38,3% га (38,6 трлн. сўм) ошди. Миллий валютадаги кредитлар йил бошидан 34,3% га ошган бўлса, ўтган йилнинг мос даврида улар 61,1% га ошган эди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь мобайнида аҳоли ва хўжалик субъектларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари ўсиш суръати 43,6% га, уларнинг миллий валютада жами депозитлардаги улуши 33% га етди (2018 йилнинг мос даврида – 23,5%).

2019 йилнинг 9 ой даври мобайнида юридик ва жисмоний шахсларнинг ички валюта бозоридаги валюта амалиётлари ҳажми 24,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даври натижаларига (18,3 млрд. АҚШ доллари) нисбатан 1,3 баробар ошди. Валюта биржасида банклараро савдо сессияларида валюта амалиётлари ҳажми 15,5 млрд. АҚШ долларини, шу жумладан хорижий валютага талаб – 7,7 млрд. АҚШ доллари, таклиф – 4,8 млрд. долларини ташкил қилди.

Банк секторида далват улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда:

	Активлар		Кредитлар		Капитал		Депозитлар	
	сумма	улуш	сумма	улуш	сумма	улуш	сумма	улуш
<b>Жами</b>	290,9	100%	234,7	100%	34,2	100%	91,3	100%
<b>Давлат улуши мавжуд банклар</b>	250,5	86%	210,7	90%	27,9	82%	66,6	73%

Миллий валютадаги пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими муттасил суръатларда ривожланиб бормоқда, буни муомалага чиқарилаётган пластик карточкаларнинг сони, шунингдек тўлов терминаллари, инфокиосклар ва банкоматлар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар суммаси ўсиб бораётганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига муомалага чиқарилган пластик карталарнинг сони 19 821 минг донани ташкил этди. Савдо шаҳобчаларида ҳамда хизмат кўрсатувчи корхонларда ўрнатилган терминалларнинг сони 339,5 минг донадан ошди. Ўрнатилган инфокиосклар ва банкоматлар сони 8,3 минг донага етди. Мамлакатимизда пластик карталар воситасида амалга оширилган транзакцияларнинг умумий ҳажми 2019 йилнинг III чораги натижаларига кўра 51,5 трлн.сўмни ташкил этди.

<b>Тижорат банклар</b>	<b>Муомаладаги банк пластик карталар сони</b>	<b>Үрнатилган тўлов териналлар сони</b>	<b>Үрнатилган инфокиосклар ва банкоматлар сони</b>	<b>2019й. янв-сент. ойларида терминал орқали тушган тушум ҳажми (млн. сўм)</b>
<b>Жами</b>	19 821 477	339 588	8 327	51 545 372

Банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган самарали чора-тадбирлар уларнинг кредит лаёқати бўйича ижобий халқаро рейтинг баҳоларини олишлари учун асос яратмоқда. Moody's халқаро агентстлиги Ўзбекистон банк тизимига кетма-кет етти йилдан бери «барқарор» рейтинг баҳосини бермоқда. Ўзбекистон банк тизимининг фаолияти шунингдек «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда.

2020 йилда ҳам Ўзбекистон банк тизимининг динамик ривожланиш суръатлари , банклар капитализациясининг ва молиявий барқарорлигининг сақланиб қолиши ва мустаҳкамланиши, уларнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдага аҳамиятининг ортиши кутилмоқда.

## Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти

2019 йида банк ўз фаолиятини изчил ривожлантириш ва кенгайтириш, банкнинг молиявий барқарорлигини ошириш, заҳира базасини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ишларини давом эттириди.

2019 йилнинг ўтган даври морбайндаги энг муҳим воқеа сифатида «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ «GLOBAL FINANCE» халқаро молиявий журналининг баҳолашига кўра, 2019 йилда банк кетма-кет олтинчи марта Осиё-Тинч океани минтақаси ривожланаётган бозорлари ўртасида Ўзбекистондаги энг яхши банк деб эътироф этилганлиги бўлди. Бундан ташқари «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ ХССМК томонидан Ўзбекистонда Ислом савдо-сотиқни молияштириш доирасида “Йил келишуви 2018” мукофотига эга бўлди. Банк сертификация аудитидан мувафақиятли ўтиб, ISO 9001:2015 бошқариш тизими сертификатини олди. Банк томонидан Ўзбекистонда илк бор автоматлашган депозит машинаси ишга туширилди.

Банк хизматлари сифатини яхшилаш соҳасидаги ютуқлари учун ва банк кўргазмалари ва танловларида фаол иштирок этгани учун банкимиз банк ҳамжамиятлари ҳамда шерик-банкларнинг дипломлари ва мукофотларги билан тақдирланди.

### 2019 йилнинг январь-октябрь ойлари мобайнида банк фаолиятидаги асосий воқеалар хроникаси

Январь 2019	«MyAlliance» мобил иловасига янги имкониятлар жорий қилинди
Февраль 2019	Банк томонидан Ўзбекистонда илк бор автоматлашган депозит машинаси ишга туширилди
Март 2019	ХССМК томонидан Ўзбекистонда Ислом савдо-сотиқни молияштириш доирасида “Йил келишуви 2018” мукофотига эга бўлди Банк сертификация аудитидан мувафақиятли ўтиб, ISO 9001:2015 бошқариш тизими сертификатини олди.
Апрель 2019	Банкнинг Фарғона филиали очилди MasterCard Standard и MasterCard Gold карталари чиқарилди «MyAlliance» мобил банкингда веб-интерфейс жорий қилинди
Май 2019	Банк Интернет тармоғида товар ва хизматлар учун тўлов операцияларини ўтказишида хавфсизлик таъминлаш замонавий стандарти – 3D-Secure технологиясини жорий қилди “Юнусобод” мини банки очилди
Июль 2019	Банк муддати 7 йил, ҳажми 50 млрд. сўмга teng ўзининг корпоратив облигацияларини чиқарди QR-код орқали товар ва хизматлар учун тўлов ўтказиш имконияти жорий қилинди. Банк Aktif Yatirim Bankasi.A.S. (Туркия) билан корреспондент алоқалар ўрнатди
Октябрь 2019	Банк Bank of New York Mellon билан корреспондент алоқалар ўрнатди ва АҚШ долларда корреспондент ҳисобрақам очилди

## **Банкнинг бозордаги мавқеи**

2019 йилнинг 9 ойи натижалари бўйича «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг фаолияти ликвидликнинг муқобил даражасини ва капитал етарлилигини сақлаш билан рақобатдош устунликни кучайтириш ва банк фаолияти асосий йўналишлар ўсишини таъминлашга йўналтирилди.

2019 йил 9 ой якунларига кўра Банк барча асосий кўрсаткичлар миқдорини яхшилашга мувваффақ бўлди. Энг катта ўзгариш инвестиция портфелида Банк бирламчи ва иккиламчи бозорларда қатнашиб, давлат қимматли қоғозларини сотиб олганлиги сабабли кузатилди (ўсиш – 147%).

Банк кредит портфели 50% га ошиб, 1,5 трлн. сўмни ташкил қилди. Бу эса ўз навбатда фоизли даромадларнинг 52% га ошишига ва 318 млрд. сўмдан ортиқ миқдорни ташкил қилишига таъсир кўрсатди. Банк активлари 49% га (1,6 трлн. сўмдан 2,3 трлн. сўмгача) ошди. Банк соф фойдаси ўтган йилнинг 9 ой натижаларига нисбатан 38% га ёки 9,3 млрд. сўмга ошди, Банк жами капитали эса 3% га ёки 7,8 млрд. сўмга ошди. Кучли рақобат муҳитида Банк ўз позицияларини сақлаб қолишга эришди.

## **«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг бозордаги мавқеи**

**01.10.2019 йил ҳолатига**

Кўрсаткичлар	млн.сўм	Банк мавқеи
Ялпи активлар	2 335 563	18
Кредит портфели (соф)	1 525 824	16
Мижозларнинг депозитлари	1 721 626	16
Акциядорлик капитали	278 425	19

Активларнинг, депозит базасининг, капиталлашувнинг янада ўсиши ҳисобига Банкнинг рақобатбардошлиқ мавқеини бозорнинг асосий бўғимларида янада мустаҳкамлаш бугунги кунда ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Таъкидлаш жоизки, Банкни ривожлантириш Стратегиясида 2017-2020 йиллар учун кўзда тутилган мақсадларида ҳар йили активларнинг камиди 30 фоизга, капиталнинг эса 25 фоизга ўсиши мўлжалланган.

Муддатли депозит базасини кенгайтириш ва кучайтириш, ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектлари пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш бўйича интенсив ишлар натижасида 01.10.2019 йил ҳолатига мижозлар ҳисобрақамларидаги қолдиқ 1 722 млрд. сўмга (йил бошига нисбатан ўсиш – 38%), жалб қилинган муддатли депозитлар қолдиғи 953 млрд. сўмга (ўсиш – 84%) етди.

2019 йил 3 чорак натижаларига кўра ликвид активлар жами активларнинг 27% улушини ташкил этиб, Банк тўлов қобилияти баландлигини акс эттиргди. Банкнинг барқарор ликвид позицияси халқаро рейтинг агентликлари ва молия институтлари томонидан ижобий баҳоланишига сабаб бўлмоқда.

01.10.2019 йил ҳолатига жорий ликвидлик коэффициенти 90,4% га етиб, ўрнатилган минимал талабдан (30%) З баробар баландроқ, ликвидликни қоплаш меъёри 266,9% ни ташкил қилди, шу жумладан миллий валютада – 248.8%, хорижий

валютада – 287,7%, соф барқарор молиялаштириш меъёри – 114,3%, шу жумладан миллий валютада – 113.5%, хорижий валютада – 116,0%.

2019 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.12.2018 йилдаги 1099-ф сонли қарорига кўра 27,48 млрд. сўмлик ҳисобланган дивиденdlар банк устав капиталини оширишга йўналтирилиб, 167,48 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳозирги кунда банк кредит лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш, банк инфратузмасини ривожлантириш, ҳалқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит линияларини жалб этиш бўйича фаолиятни кенгайтириш учун банк капиталига қўшимча қўйилмалар киритишга эҳтиёж сезмоқда.

Капитализация даражасини яхшилаш бўйича амалга оширилган чоратадбирлар, шу жумладан жорий йил 2-ярим йиллигида ҳажми 50 млрд. сўмга тенг банк регулятив капиталига киритиладиган облигациялар чиқарилиши, банк капитал етарлилиги кўrsatкичини оширишга имкон яратди. Ҳозирги кунда 34,7 млрд. сўмдан юқори суммадаги облигациялар мувафақиятли жойлаштирилди, бу эса жами чиқарилув хажимнинг 69 фоизни ташкил этмоқда.

Ушбу чиқарилиш Ўзбекистон қимматли қофозлар бозори охирги йилларидаги эксклюзив лойиҳа бўлиб, оммавий равишда кредит тарихни шакллантиришда ва Банкнинг капитал бозоридаги позициясини мустаҳкамлашда дадил қадам бўлди. Банкнинг капитал бозорига мувафақиятли кириб келиши, хамда унинг ишончли қарздор сифатида обўси инвесторларнинг банкка бўлган ишончи ошиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2019 йилдаги 358 сонли “Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва икиламчи оммавий таклифларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ устав капиталининг 10% миқдорида акцияларнинг бирламчи оммавий таклифини (IPO) ўтказишни ташкиллаштириш белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 йилдаги ПҚ-4300 сонли қарорига мувофиқ “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ устав капиталининг 25% миқдорида акцияларининг сотуви кўзда тутилган. Ушбу қарорни бажариш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан банк устав капиталига стратегик инвесторни жалб этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Банкнинг молиявий барқарорлиги миллий ва ҳалқаро шкалалар бўйича рейтинг баҳолаш натижаларидан ҳам кўриниб турибди. Бу борада рейтинг агентликлари тоимий мониторинг олиб бормоқда. Хусусан, банк миллий ва хорижий валютадаги депозитлар рейтингида «Moody’s Investors Service» рейтинг агентлигининг баҳосига кўра B2 натижани сақлаб турибди.

Банк ўзининг кучли жиҳатлари ҳисобланган активларнинг юқори сифатлилиги, банк таваккалчилиги устидан самарали назорат тизимини яратиш, истиқболли корпоратив мижозлар базаси, мижозларга очиқ юз билан қараш, тезкорлик билан қарор қабул қилиш тамойилига асосланган сифатли хизмат кўrsatiш, самарали банк фаолиятини юритиш каби жиҳатларни сақлаб ва мустаҳкамлаб келмоқда, бу эса рентабелликнинг юқори кўrsatkiчларида, операция харажатларининг камчиқимлигига, мамалкат ва ҳалқаро банк ҳамжамиятларида ижобий обрў-эътибор қозонишда ўз ифодасини кўrsatмоқда.

Банк хизматлари бозорида кучайиб бораётган рақобат, молиявий тизимни либераллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек мамлакат банк тизимининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги банк фаолияти учун асосий туртки буўиб хизмат қилмоқда. Ана шу жиҳатлар банк фаолиятини барқарор ривожлантиришни таъминлаш, активларнинг юқори сифатини ушлаб туриш ва кредит портфелининг диверсификациясини янада яхшилаш, сотувлар тармоғини кенгайтириш ва банкнинг чакана бозордаги мавқеини бизнес-жараёнларни оптималлаштириш ва такомиллаштириш орқали мустаҳкамлаш, банкнинг рақабатбардошлик салоҳиятини кучайтириш бўйича бир қатор вазифаларни олдимизга қўймоқда.

## БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2020 йилда банк бизнеси тижорат банклари олдига қўйилган қўйидаги устувор вазифаларни бажаришга қаратилади:

- банкнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлилигини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестиция фаоллигини рағбатлантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2015 йилдаги ПҚ-2344 сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ҳалқаро норма ва стандартларни инобатга олган ҳолда банк фаолиятини янада юқори даражага чиқаришни таъминлаш;

- банк жами капитал микдорини ошириш, шу жумладан акциялар қўшимча чиқариш орқали ошириш, ҳамда банк ресурс базасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3270 сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ аҳоли ва хўжалик субъектлардан жалб қилинадиган депозит ҳажмини ошириш орқали янада мустаҳкамлаш;

- ҳалқаро тажриба асосида банк таваккалчиликлар баҳоланишини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3270 сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институтционал ҳамкор сифатида қараашларини мустаҳкамлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йилдаги ПҚ-3620 сонли “Банк хизматлари оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига мувофиқ банк хизматлари оммаболлигини ошириш ва банк фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирдарни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти билан 22.11.2018 йилдаги “Тижорат банклар фаолиятидаги тизимли муамолар ва уларнинг банк тизими барқарорлиги ҳамда вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири тўғрисида”ги мажлисда тижорат банклар олдига қўйилган вазифаларни бажариш;

- банк бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бизнес жараёнларни оптималлаштириш, банк маҳсулотларини стандартлаштириш, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш;

- истиқболли инновация технологияларини янада ривожлантириш ва жорий этиш, телекоммуникацияч инфратузилмасини ва техник воситалар комплексини такомиллаштириш, сотувнинг электрон каналларини ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида, саноатда ва қурилишда бозорнинг янги бўғимларини ўзлаштириш, шунингдек мамлакатнинг эркин иқтисодий худудларида фаолият кўрсатаётган корхонааналарни молиялаштиришда иштирок этиш;

- 
- иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш молиялаштириш ҳажмини ошириш, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда фаол қатнашиш;
  - маҳсулотлар турларини ва сотув каналларини, шу жумладан оммабоп чакана маҳсулотларни кенгайтириш;
  - рейтинг даражасини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, корпоратив бошқарув услубларини такомилаштириш, банк активларини шакллантириш ва бошқаришнинг илғор услубларини жорий этиш орқали банкнинг нуфузини ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, жумладан, Акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсияларини жорий этиш орқали банкнинг нуфузини ва инвестицион жозибадорлигини юксалтириш;
  - мижозларнинг қониқишини ўрганишнинг ва улар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашнинг, хизмат шароитларининг ўзгариши натижасида уларнинг банка муносабатини ўрганишнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек Банк томонидан тақдим этилаётган молиявий ечимларга мижозларнинг эҳтиёжини доимий ўрганиб бориш;
  - Банк ходимларини камол топтира бориш ва меҳнатни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
  - банк таваккалчилигини энг яхши маҳаллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш.

## Кредит фаолияти

2020 йилда кредит фаолиятни сифат жиҳатидан янада ривожлантириш ва кредит портфели ҳамда унинг таркиби бўйича миқдорий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

2020 йилда кредит ажратиш ҳажми 1 200 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда. Кредит портфелининг қолдиги (брутто) 2020 йилнинг охирига келиб 2 026 млрд. сўмни ташкил этади. Кредит портфелининг (соф) ялпи активларга нисбати 66 фоизни (2021 йил 1 январь ҳолатига) ташкил этади. Эҳтимолдаги заарларга қарши заҳира қолдиги 30,0 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда, бу эса кредит портфели умумий ҳажмининг 1,5 фоизини ташкил этади.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Йўл харитасида кўзда тутилган чора-тадбирлар доирасида 2020 йилнинг охирига қадар қисқа муддатли кредитлар (лизинг) портфелини 300 млрд. сўмгача кўпайтириш, уларнинг кредит портфелидаги улушини 15 фоизгача оширишиш режалаштирилган. Қисқа муддатли муддатли кредитлари портфелини оширилиши актив ва мажбуриятлар ўртасидаги ликвидлик фарқини камайтириш имконини беради.

Кўрсаткичлар	01.01.2021й. режа, млн. сўм
Кредит портфелининг қолдиги (брутто), шу жумл.	2 025 849
қисқа муддатли кредитлар	303 877
узоқ муддатли кредитлар	1 706 374
Эҳтимолдаги йўқотишлар учун заҳира	30 001
Кредит портфелининг соф қолдиги	1 995 848
Эҳтимолдаги зарар заҳираси/кредит портфели, брутто	1,5%

Бизнес жараёнларни кредитлаштириш соҳасида оптималлаштириш чораларини амалга ошириш мақсадида скоринг моделларининг янги услубиятларини кўллаш ва кредит тарихи институтлари билан чакана кредитлашнинг замонавий турларини жаорий этиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Банк томонидан йирик савдо ва инвестиция лойиҳаларини респубуликанинг ва хорижнинг тижорат банклари билан синдикатлашган ҳолда кредитлаш имкониятларини ўрганиш бўйича ишлар олиб борилади.

Шунингдек, таълим муассасаларини битирган ёш тадбиркорларнинг, оиласвий тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширшга хизмат қиласиган ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бошқа истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш ишлари давом эттирилади.

Кичик бизнес корхоналарининг узоқ муддатли истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўлиб, банкнинг ўз ресурслари, халқаро молия институтларининг, хусусан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг, Умумжаҳон банкининг кредит линиялари хизмат қиласиди.

Банк томонидан кредит портфелининг мос равишда диверсификацияланишини таъминлаш чоралари кўрилади. Чакана кредитлашни кенгайтириш доирасида банк

томонидан чакана кредитлар портфелини камида 600 млрд сўмга ёки банк кредит портфели ялпи ҳажмининг 30 фоизи миқдорида кўпайтириш режалаштирилмоқда. Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг асосий қисмини истеъмол кредитлари, микроқарз ва кредит карталар ташкил этади. Чакана кредит маҳсулотларини оммавий тарзда илгари суриш мақсадида реклама акцияларини ўтказиш, корпоратив мижозларнинг меҳнат жамоаларида кредит маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш, маҳаллий товарлар ва хизматлар истеъмолчилари билан товарлар ва хизматларни харид қилиш учун истеъмол кредитларини тақдим этиш борасида музокаралар уюштириш мўлажалланмоқда.

Банк юзага келган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда кредитларнинг даромадлигининг мос даражасини таъминлашни кўзда тутмоқда.

Келгуси йили банк томонидан кредитлаш жараёнида янги банк маҳсулотларини ва технологияларини энг яхши маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

### **Инвестиция ва эмиссия фаолияти**

Банк инвестиция фаолиятини ўзининг истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблайди, шунингдек Банк қимматли қофозлар бозорида малакали, шу жумладан инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси, инвестиция маслаҳатчиси ва ҳ.к. сифатида фаолият юритиш имконятларини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон фонд бозоридаги тенденцияларни кузатиб боришни давом эттиради.

2020 йилда Банк таваккалчиликнинг минимал даражаси шароитида барқарор даромадлилик даражасини таъминлай оладиган сифатли инвестиция портфелини шакллантириш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Банк инвестиция фаолиятини ривожлантириш 2020 йилда инвестициялар орқали олинадиган самарадорликни оширилишини ҳам Банк капиталига уларнинг босимини оптимал даражада ашлаб турилишини назарда тутади.

Келгуси йилда банкнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрилиши режалаштирилмоқда.

Банкнинг эмиссиявий фаолияти 2020 йилда қарзга оид ва улушли қимматли қофозларни чиқариш ва сотиш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш учун қимматли қофозларнинг навбатдаги чиқарилуви режалаштирилмоқда. Қимматли қофозлар чиқарилиши банкка банкнинг ресурсларини кенгайтириш ва диверсификациялаш имкониятини яратиб бериши ҳамда банкнинг барча омонатчиларига ўз бўш пул маблағларини жозибадор шартлар асосида жойлаштиришнинг муқобил имкониятини беради.

## Банклараро ва валюта бозорларидағи операциялар

Банк хизматлари турларини кенгайтириш, шунинг Банк фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида дилинг операциялари соҳасида замонавий банк тажрибасини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда ҳалқаро валюта бозоридаги барча қорекс операциялари хоржий шенрик-банклар билан Томсон Рейтер компаниясининг «FX Trading» савдо тизими орқали олиб борилмоқда. Ушбу тизим ҳар қандай суммага конверсия битимини тузиш, битимларнинг таннархини пасайтириш, битим шартларини шартлашиш муддатини қисқартириш, шунингдек валюта котировкаларни реал вақт шароитида олиш имконини беради.

Ушбу йұналишдаги фаолиятнинг кейинги босқичида мижозлар билан үзаро муносабатлар самарадорлигини янада юксалтириш учун масофдан хизмат күрсатиш каналлари орқали (Интернет ва мобайл банкинг) реал вақт режимида үтказилаётган операциялар ҳажми чекламанмайдыган конверсия хизматлари тақдим этилишини янада кенгайтириш күзде тутилмоқда.

Корпоратив мижозлар талабларига биноан, уларга құшимча қулайликтар яратиш мақсадида ташқи савдо контрактларни Хитой юани валютасида ҳисобини юритиш масаласи күриб чиқылди. Ушбу мақсадда Bank of New York Mellon билан ҳамкорлықда хорижий валютада түловлар ва автоматик конверсия хизматларини ишга туширишга тайёрланмоқда. Ушбу хизматдан жисмоний шахслар мобил илова орқали, юридик шахслар эса масофадан туриб хизмат олиш орқали фойдаланишлари мумкин.

Бозор иштирокчилари билан ҳамкорлик банклараро бозорда нуфузи ва ишончлilikи юқори бүлған банкпар билан үзаро манбаатли алоқаларни йүлга қўйиш орқали мустаҳкамланиб бормоқда. Банкни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ банклараро пул ва валюта бозорида банк операцияларини чуқурлаштириш доирасида келгуси йилда қуидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- конвертация, банкнот битимлари ва бошқа турдаги хизматлар соҳасида мижозларга жозибадор банк хизматларини таклиф қилиш, шунингдек, мижозларнинг форекс операцияларига қизиқишини кучайтириш бўйича турли маркетинг тадбирларини үтказиш орқали хизматлар ҳажмини ва турларини кенгайтириш;
- корпоратив мижозларга валюталар котировкасини узатиш ва уларт орқали реал вақтда операциялар үтказиш имконини берадиган конверсия хизматларини күрсатиш бўйича онлайн платформани жорий этиш;
- пул ва валюта бозорларида банкнинг ишchan фаоллигини ошириш, шунингдек банкнинг таниқлilikини ошириш бўйича тадбирлар үтказиш;
- пул ва валюта бозорлари таҳлилий материалларига оид ихчам туркумларни трансляция қилиш ва чоп этиш мақсадида турли ТВ каналлари ва ОАВ билан ҳакорлик ўрнатиш;
- пул ва валюта бозорлари инфратузилмасини ривожлантириг соҳасида молия бозорининг турли институтлари лойиҳаларида иштирок этиш ва ҳамкорлик қилиш;
- интеграл автоматлашган банк тизимида янги модулларни ишлаб чиқиш орқали дилинг операциялари жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек жисмоний шахслар билан форекс операцияларини үтказиш учун маҳсус мобил иловани ишлаб чиқиш;

- бозор конъюнктураси ўзгаришига боғлиқ равишда бошқа тадбирларни ўтказиш.

### **Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият**

Халқаро фаолиятини кенгайтириш борасида банк томонидан 2019 йилда халқаро молия институтлари билан кредит линияларини жалб этиш юзасидан алоқа ўрнатиш ва банкнинг халқаро кредит рейтингини мустаҳкамлаш бўйича муҳим ютуқларга эришилди.

Турли хорижий ташкилотлар билан ҳмакорлик қилиш жараёнида Global Finance нуфузли халқаро нашри кетма-кет олти йилдан бери (2014, 2015, 2016, 2017, 2018 ва 2019й.) ASIA ALLIANCE BANK ни “Осиё-Тинч океани минтақасида ривожланаётган бозорларнинг дунёдаги энг яхши банклари” номинациясида Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этди. Бундан ташқари 2019 йилда Банк “The Banker” халқаро молия журнали томонидан учинчи марта “Ўзбекистондаги энг яхши банк” деб тан олинди.

Мунтазам ишлар натижасида сентябр ойида BNY Mellon банкида АҚШ долларида ҳисобрақам очилди. Ушбу ҳисобрақам мавжудлиги банк мижозларига АҚШ долларида ҳисоб-китобларни тезкорлик билан амалга оширишга ва мижозларнинг тўлов бўйича ҳаражатларини камайтиришга имкон яратади. Таъкидлаш жоизки, ушбу банкнинг Ўзбекистон банклари билан ҳамкорлик ўрнатиши оҳирги 10 йил ичida биринчи бор амалга оширилди.

Узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш ва ўзлаштириш мақсадида халқаро молия институтлари (ЕТТБ, ОТБ, KfW, ХТТБ, Савдони молиялаштиришни ривожлантириш Халқаро испом корпорацияси ва бошқалар) билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш ишлар давом эттирилади. Жумладан, Халқаро ривожланинг Ассоциацияси (МАР) кредит линиясини “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида, Халқаро Тараққиёт ва Ислоҳот Банки (МБРР) “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш”, Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот тармоғини ривожлантириш” лойиҳалари доирасида жалб этиш ишлари олиб борилади.

Шунингдек банк халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик ишларини олиб бораётир. 2020 йилда банкнинг халқаро рейтингини сақлаб қолиш ва яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Банкнинг нуфузини маҳаллий ва халқаро майдонда янада мустаҳкамлаш мақсадида банк хорижий банклар, халқаро молия институтлари, «The Banker», «Global Finance», «Euromoney» каби нашрлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ташкил этиладиган турли халқаро банк кўргазмаларида, анжуманларида, семинарларида, тажриба алмашувида ва танловларида иштирок этишни давом эттиради.

### **Хизмат кўрсатиши тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар**

2019 йилда банк филиаллар тармоғини кенгайтириш бўйича ишлар давом этди. Жорий йилнинг апрел ойида банкнинг Фарғона филиали очилди. Шундай қилиб, ҳозиргу кунда банк тизимида 10 та филиал (Амалиёт бошқармаси билан) ва 16 минибанк фаолият юритоқда.

Барча филиаллар “наъмунвий филиал” тарзда ташкиллаштирилган. Барча филиалларда “фронт-офис” ва “бэк-офис” принципи остида алоҳида юридик шахслар учун ва алоҳида жисмоний шахслар учун хизмат қўрсатиш бўлимларга ажратилган. Мижозларга бевосита хизмат қўрсатадиган ва бирламчи маслаҳат берадиган бўлинмалар фронт-офисда жойлаштирилган.

Барча филиалларда банк мижаозларга бирламчи маслаҳат берувчи администраторлар учун штат бирлиги очилган. Мижозларнинг фронт-офисга тўсқинсиз (шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмасдан) киришлари учун, турникет ва тўсқинлар олиб ташланган.

Банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида банк хизматлари ҳақида бевосита маълумот олишга имконият берувчи тезкор алоқа (Call-center) тизими жорий қилинган.

Амалиёт бошқармасида, Олмазор, Бухоро, Самарқанд, Қарши ва Фарғона филиалларида электрон навбат тизими ўрнатилган. Қолган филиалларда электрон навбат тизимини ўрнатиш бўйича шартномалар имзоланган.

Банк мижозларига тўлиқ ва ишончли маълумот етказиш ва қулай хизмат шароитлари билан таъминлаш мақсадида барча филиалларда банк хизматлари, тарифлар, валюта курслари, янгиликлар ва бошқа зарур маълумотларга эга маълумот таблолар ва планшетлар ўрнатилган.

Бундан ташқари ушбу маълумотлар банк веб-сайтида ҳам жойлаштирилган. Шу билан бирга янги банк хизматлар ҳақида маълумотлар ижтимоий тармоқлардаги банк саҳифаларида ([facebook.com](https://facebook.com), [instagram.com](https://instagram.com), [telegram: t.me/asiaalliancebank](https://t.me/asiaalliancebank)) эълон килинмоқда.

Хизмат қўрсатиш қулай шароитларини яратиш мақсадида ҳар бир филиалда 24/7 тартибида ишлайдиган банкоматлар (Uzcard ва HUMO), шу жумладан Автоматлаштирилган Депозит Машиналар, юридик шахслар ўзига ўзи хизмат қўрсатиш аппаратлари, инфокиосклар жойлаштирилган маҳсус павилионлар қурилган.

Банк мижозларига хизмат қўрсатиш сифатини яхшилаш, барча филиалларда мижозларга хизмат қўрсатишнинг ягона усувлари ва стандарларини жорий қилиш ҳамда филиалларнинг мижозларга бўлган эътиборини ошириш мақсадида “ASIA ALLIANCE BANK” АТБда мижозларга хизмат қўрсатиш стандартлари” ишлаб чиқилди.

Мижозларга хизмат қўрсатиш стандартларига риоя қилинишини устидан назоратни таъминлаш мақсадида ҳар чорақда “Махфий мижоз” ўрганилиши амалга оширилмоқда.

Банк филиаллари фаолиятининг барқарор ва сифатли ривожланиб боришини, уларнинг рақобатбардошлилигини ва муҳториятини таъминлаш келгуси йилда ҳам банк филиал тармоғини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Филиалларнинг муддатли ва барқарор ўз ресурс базаларини яратиш бўйича ишларни юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ва улар томонидан депозит сертификатларини реализаци қилиши ҳисобига фаоллаштириш, шунингдек чакана операцияларни ривожлантириш орқали филиаллар даромадларининг манбаларини кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

Банкнинг чакана хизмат бўлинмалари рентабеллиги ошириш мақсадида янги банк хизматларини барча замонавий талаблар асосида кўрсата оладиган минибанкларнинг янги шаклларини бунёд этиш кўзда тутилмоқда. 2020 йилда минибанклар сонини 20 тагача ятказиш бўйича ишлар олиб борилади.

2020 йилда банк хизматларининг корпоратив блокини ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Бунда асосий эътибор мавжуд мижозлар билан ўзаро муносабатларнинг интенсивлигини кўтаришга, шунингдек банк хизмат кўрсатиш таромогини кенгайтириш доирасида янги корпоратив мижозларни жалб этишга қаратилади.

## Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш

Аҳоли фаровонлиги доимо ошиб бориш, ҳамда ижтимоий соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш муҳитида чакана кредитлар катта истиқболга эга бўлиб, юқори даражада ўсиб боради. Ушбу шароитда савдо нуқталарнинг ўзида кредит хужжатларини экспресс расмийлаштириш орқали маълум товарларга кредит ажратишини кўзда тутувчи POS (Point of Sale) кредитлаш ривожланишини кутиш мумкин.

Ипотека кредитлари чакана блокнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади, лекин ушбу йўналишни ривожлантириш учун узоқ муддатли ресурсларни таъминлаш керак бўлади. Банк капиталига стратегик инвесторни ва халқаро молия институтлар ва ҳорижий банкларнинг кредит линияларини жалб қилиш мақсадида, улар билан муносабатларни кенгайтириш келгуси йилларда банкнинг асосий вазифаси бўлиб, ипотека кредитларини молиялаштириш учун узоқ муддатли ресурсларни кенгайтиришга имконият яратади.

Чакана бизнес ривожланишининг бошқа муҳим йўналиши Банкнинг чакана депозит базасини кенгайтиришdir. Аҳоли даромадлари ошиш муҳитида депозит операциялар ривожланиши учун яхши асос мавжуд. Ушбу шароитда Банк фаолияти сотув тармоғини ривожантаришга инвестиция киритиш, реклама, мижозга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва маҳсулот турини кенгайтириш орқали хусусий сектор маблағларини фаол жалб қилишга йўналтирилади. Ушбу стратегия мижоз турига қараб табақалаштирилган, уларнинг ўзига хос талабларини қондиришга мўлжалланган жозибадор депозит маҳсулотларни жорий қилиш орқали амалга оширилади.

Банк томонидан ресурс базасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида депозитлар ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. III чорак якунлари бўйича жисмоний шахсларнинг депозит қолдиқлари 406,5 млрд. сўмга етган бўлса, ушбу кўрстакичнинг йил бошидаги қиймати 234,6 млрд. сўмни ташкил қилган эди (ўсиш суръати 171,9 млрд. сўм ёки 73,3%).

Бугунги кунда банк 20 турдаги муддатли ва жамғарма омонатларни аҳолига тақдим этиб, улардан 11 таси миллий валютада, 9 таси ҳорижий валютада. Шу билан бирга мижозларга янада қулай шароитларни яратиш мақсадида MyAlliance мибил илова орқали миллий ва ҳорижийҳорижий валютадаги муддатли ва жамғарма омонатларни масофадан туриб бошқариш имконияти яратилди.

2019 йил 3 чорак натижаларига кўра MyAlliance мибил илова орқали очилган муддатли ва жамғарма омонатлар ҳажми 27,6 млрд. сўмни ташкил этди. Йил бошида ушбу кўрстакич 9,3 млрд. сўмни ташкил этган эди (ўсиш 18,3 млрд. сўм).

Банк мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида халқаро пул ўтказма тизимлари (“Золотая корона”, “Азия-Экспресс”, “Контакт” ва “Юнистрим”) бўйича банк мобил иловаси орқали пул маблағларни миллий валютада ва ҳорижий валютада масофадан туриб олиш хизмати ишга туширилди.

2020 йилда Банк томонидан мобил илова бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш ва сотиш самарали канали ҳамда содиқлик ошириш инструменти бўлиши учун унинг дизайнини қайтадан ишлаб чиқиш режалаштирилган. Бу эса ўз

---

навбатда мижозларга ўзининг молиявий маҳсулотларини қулай ва фойдали бошқаришга имкон яратади.

Банк тижорат банклар орасида биринчи бўлиб АДМ орқали хизмат кўрсатишни амалга оширган. АДМ орқали нақд пулни қабул қилиш, асллигини текшириш, ҳисоб қилиш ва сақлаш ҳамда юридик шахсларнинг ҳисобрақамларига онлайн тарзда пул тушириш операциялари автоматлаштирилди. Банк томонидан АДМ технологиясини ишлатиши инкассация вақтини ва у билан боғлиқ молиявий харажатларни қисқартиришга, ҳужжатлар айланмасини автоматлаштиришга, пул маблағларни сақлаш хавфсизлигини оширишга ва тадбиркорлар тушумни шу кун ўзида ишлатиши учун онлайн режимда пул топширилган кунда уни ҳисобрақамга туширишга имкон яратди.

Чакана бизнеснинг қуйидаги йўналишларида ишлар фаоллашади:

- депозит хизматларнинг сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва аҳоли учун депозит маҳсулотларининг жозибадорлигини таъминлаш;
- Интернет ва мобил банкинг орқали жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли ва жамғарма депозитларга жалб қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий банкларнинг тажрибасини ўрганиш;
- фойдаланувчиларга карта ҳисобрақамларидаги бўш пул маблағларини муддатли ва жамғарма депозитларига жойлаштиришга имконият берувчи масофавий хизмат кўрсатиш канал (MyAlliance) имкониятини кенгайтириш (депозитни танлаш, омонатчи томонидан омонат шартларини қабул қилиш тизимнинг ўзида онлайн режимда амалга оширилади);
- “чакана операциялар” АБТ кичик тизим интерфейсини такомиллаштириш ва функционал имкониятларини кўпайтириш орқали иш қулагигини ошириш;
- Мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш замонавий марказлари, кросс-сотув механизмини фаол ишлатиш орқали депозит маҳсулотларни сотиш каналларини кенгайтириш ва ривожлантириш;
- Карта бизнесини ривожлантириш (ойлик лойиҳалар, VISA, Master Card, China Union Pay ва бошқалар)
- Келгуси йилларда ойлик лойиҳаларни ривожлантириш қуйидагиларни ўз ичига олади:
  - самарали мижоз базасини ошириш ва янги мижозларни жалб қилиш учун ускуналарни кенгайтириш (маркетинг фаоллиги, ойлик лойиҳалар доирасида маҳсулотлар турини ривожлантириш);
  - сотув самарарадорлигини такомиллаштириш;
  - ойлик лойиҳалар сотувида чакана ва корпоратив банк орасидаги муносабатни чуқурлаштириш.

2020 йилда чакана бизнесни ривожлантириш доирасида чакана тўлов тизими карта хизматлар ҳажмини ошириш, Mastercard WorldWide халқаро тўлов тизимига уланиш бўйича ишларни давом эттириш ва MasterCard Standart и

---

MasterCard Gold карталарини чиқариш режалаштирилган. Шунингдек 2014 йилда бошланган хусусий дизайнга эга бўлган пластик карточкаларни чиқариш бўйича ишларни янада фаоллаштириш режалаштирилмоқда, 2020 йилда уни банкнинг барча минтақавий филиалларида жорий этиш кўзда тутилган.

Халқаро пластик карталар бўйича банк томонидан кўрсатилаётган хизматларни кенгайтиришнинг муҳим йўналишлардан бири бу VISA халқаро тўлов тизимида принципал аъзоси мақомини олишдир. Ушбу йўналишда банк томонидан ишлар бошланган ва 2020 йилда VISA XTT га хост ўланиш учун процессинг марказини сотиб олиш ва ўрнатиш бўйича вазифалар қўйилган.

2020 йилда кўп функцияли банкоматлар (сўм, валюта, валюта айирбошлиш банкоматлар) сонини ошириш орқали ўзига ўзи хизмат кўрсатиш жойларини ошириш режалаштирилган.

2020 йилда ижтимоий йўналтирилган банк карта маҳсулотлари жорий қилиш бўйича ишлар давом этади – ижтимоий, оиласвий, ко-брэнд карталарни чиқариш, ишончли тўлов тури ва пул маблағлар жамғармаси сифатида уларни ахоли орасида янада оммабоплаштририш учун рағбатлантирадиган, дисконт ва бонус лойиҳа ва хизматларни жорий қилиш.

Чакана хизматлар рентабеллигини ва ўзини узи қоплашини ошириш мақсадида банк бизнес бўлигмаларининг самарадорлигини оширишга ва чакана банк маҳсулотларининг рентабеллигини таъминлашга қаратилган оператив бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бошқарув ҳисобот тизимини яратиш ва чакана фаолиятини доимий баҳолаш амалиётини жорий қилиш бўйича ишлар давом эзатади.

Банк чакана бизнес доирасида стратегия муваффақиятли амалга оширилаётганини баҳолаш учун қўйидагиларни тавсифловчи самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) ишлаб чиқилади:

- асосий банк маҳсулотлари бўйича бозордаги ўрни (бозор улуши);
- мижозлар билан муносабатларнинг интенсивлиги ва чуқурлиги (бир мижозга маҳсулотлар сони ва ҳ.к.з.);
- хизмат кўрастиш сифати (хизмат кўрсатиш вақти, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилишга сарфланадиган вақт);
  - мижозлар қониқарлилиги (содиқлик индекси, брендни қабул қилиш);
  - сотув каналларини раивожлантириш (масофавий каналлар орқали транзакцияларнинг улуши ва ҳ.к.з.);
- ходимларнинг иш самарадорлиги (бир ходимга тўғри келадиган оперциялар сони, кредит шартномалар сони ва бошқа кўрсаткичлар).

## БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

### **Банкнинг турғунлигини ошириш ва таваккалчликни бошқариш тадбирлари**

Банк бошқаруви жараёнининг таркибий қисми сифатида таваккалчиликни бошқаришнинг асосий мақсади Банкни стратегик ривожлантириш режаси доирасида унинг барқарор ривожланиб боришини таъминлашдан иборат. Таваккалчиликни самарали бошқаришнинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар ҳукуклари ҳимояланишини таъминлаш; Банк учун номақбул ҳодисалар содир бўлганда Банк йўқотишларини бартараф этиш, олдини олиш ва минималлаштириш;

фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича таваккалчилик/даромадлилик нисбатини оптималлаштириш;

таваккалчиликни бошқариш тизимини, шу жумладан лимит интизомини ташкил этиш ва такомиллаштиши;

амалдаги банк молиявий натижаларининг режалаштирилган кўрсаткичлардан фарқини пасайтириш;

рақобатбардошлилик бўйича мавжуд афзалликлар, хусусан мижозлар ишончи ва хизмат кўрсатиш сифати кабилардан самарали фойдаланиш ва б.

Банқда таваккалчиликни бошқариш ўз ичига қўйидагиларни олувчи ташкилий тизим томонидан таъминланади:

- Банкнинг тегишли сиёsatни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек қарорлар қабул қилиш бўйича масъул бошқарув органлари (Кенгаш ва Бошқарув, Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси, активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси, Крайт ва Инвестиция қўмиталари);

- ваколатлар ва масъулиятни банкнинг раҳбар органлари ва бўлинмалари ўртасида аниқ тақсимланиши;

- таваккалчиликни бошқариш, раҳбарият учун муентазам ҳисботларни тайёрлаш, шунингдек Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси ва бошқа амалдаги қўмиталар учун зарур ҳужжатларни, жумладан таваккалчиликни самарали бошқариш бўйича таклифлар лойиҳасини тайёрлаш;

- банк таваккалчилигини самарали бошқариш, таваккалчилик даражасини, шу жумладан лимит интизмига риоя этилишини, ликвидлик кўрсаткичларини, капиталнинг адекватлигини ва рентабелликни баҳолаш, мажбурий меёrlарнинг бажарилмаслик сабабларини аниқлаш ва кўрсаткичларни энг камида меёрий кўрсаткичларнинг минимумигача кўтариш чораларни белгилаш имконини берувчи ахборот тизими.

Акциядорларнинг ва Банк мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, банк таваккалчилигини пасайтириш ва олдини олиш ҳамда банк фаолияти барқарорлигини таъминлаш учун Банқда Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси ташкил этилган. Қўмита ўз фаолияти бўйича бевосита Банк Кенгashi олдида ҳисботдордир. Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитасининг асосий вазифаси таваккалчиликнинг банкнинг молиявий ҳолатига таъсирини кузатиб бориш, кредит таваккалчилигини бошқариш сиёsatининг самарали амалга оширилишини назорат қилиш, таваккалчиликни бошқариш таомилларининг тўлиқ қўлланиши ва

самарадорлигига баҳо бериб бориш, Банк томонидан таваккалчилик бўйича қабул қилинган чекловларга амал қилинишини текшириб бориш, шунингдек хатарларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилишига эришишдан иборат.

Банк таваккалчилиги бошқармаси томонидан доимий равишда банк таваккалчилигини идентификациялаш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва бошқариш ишлари олиб борилади, ҳар чорақда молиявий аҳвол ва Банк ликвидлиги стресс-синовдан ўтказилади. Банкка таъсир кўрсатувчи хатарларнинг ниҳоятда ранг-баранглигини ҳисобга опсак, йўқотишлар эҳтимоли даражаси бўйича кредит, бозор, ликвидлик, шунингдек амалиёт таваккалчилиги энг кўп хатарли ҳисобланади.

Банқда таваккалчиликни бошқариш қўйидаги босқичлардан иборат:

- банк фаолиятида вужудга келадиган барча турдаги таваккалчиликларни идентификация қилиш;
- идентификация қилинган таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ялпи хатарлар ҳисобини олиб бориш;
- сстресс-синовларни ўтказиш;
- хатарга оид операцияларни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилиш, идентификацияланган таваккалчиликларни чеклаш, эҳтимолий йўқотишлар бўйича заҳира шакллантириш;
- таваккалчяиликларни бошқариш бўйича ўрнатилган таомилларга ҳамда қабул қилинган таваккалчиликлар даражаси чекловларига риоя этилишини назорат қилиш;
- банк фаолияти натижаларини ҳисобга олиган ҳолда муайян таваккалчилик қабул қилиниши билан боғлиқ равишда ўрнатилган чекловларни доимий мониторинг қилиш ва оптималлаштириш.

2020 йилга банкнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва таваккалчиликни бошқариш, банк таваккалчиликни бошқариш тизимида ахборот технологияларини ҳамда дастурий таъминотни жорий этиш, кенгайтириш ва фойдаланиш бўйича муайян вазифалар белгилаб олинган.

#### **Ички назорат тизими**

Банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги 660-II сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунига, бошқа меёрий ҳужжатларга мувофиқ зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Банқда ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун масъул ҳисобланган Ички назорат бошқармаси фаолият кўрсатиб турибди, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ички қоидалар ишлаб чиқилган ва банк Кенгashi томонидан тасдиқланган.

Келгуси йилда ҳам ички назорат тизимининг самараали ишини ташкил этиш ишлари давом эттирилади. Ички назорат бўлинмаси ишининг самарадорлигини янада оширишни давом эттириш, шунингдек автоматлаштирилшан тизимнинг IABS ва "Ички

назорат” кичик тизимларининг имкониятларини ва таҳлилий салоҳиятини ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, қуидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- Янги ташкил этилаётган молиявий мониторинг бошқармаси вазифаларига бугунги кунда муҳим қуидаги масалалар устидан назорат ва мувофиқлаштиришни юклаш:

- Коррупцияга қаршилик (Anti-Corruption, Anti-Bribery);
- Фирибгарликка қаршилик (Anti Fraud);
- FATCA талабларини амал қилиш
- Санкция рўйхатига (Sanctions Screening) риоя қилиш ва бошқа банклар мурожаати билан ишлаш учун самарали тизим яратиш

- Молиявий мониторинг мутахассисларнинг иш самарадорлигини ошириш ва оптимизациялаш мақсадида шубҳали операцияларни аниқлаш процессини максимал даражада автоматлаштириш;

- АБТ ягона базасида шубҳали операцияларни ҳисботини юритиш;  
- шубҳали операциялар бўйича маълумотларни АБТ орқали ҳужжатсиз тарзда бериш;

- жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб масалалар бўйича мутахассисларни ўргатишнинг замонавий тизимини яратиш ва билимларини баҳолаш.

### **Ахборот технологиялари**

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг бош мақсади банкнинг барқарор фаолият иш юиритишини ва турғун ривожланиб боришини таъминлай оладиган замонавий АТ-технологиялари тузилмасини яратишдан иборат. Банк ахборотбанкнинг бекиёс рақбобатбардошлик афзалликларини техноргологиялари ривожлантириш асосий стратегик вазифаларни бажаришга, банк ички иш жараёнларининг автоматлаштирилишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, банк хизматларига замонавий АТ-технологияларни жорий этишдан иборат. Банки ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборот технологияларини банкнинг бекиёс рақбобатбардошлигини шакллантиришнинг турғун манбаларидан бирига айлантириш кўзда туилмоқда.

Банқда ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида 2020 йилга қуидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- Банқда CRM тизимини жорий қилиш. Ушбу тизим мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида улар билан муносабат ўрнатиш процессини автоматлаштиришга икон яратади;
- 24/7 режимда ишлайдиган Контакт-марказни ишга тушириш;
- Маълумотларни сақлаш хавфсизлигини ошириш, автоматлаштирилган банк тизимлари ва ахборот инфратузилмазининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида янги бинода тўлақонли масофавий резерв Марказни яратиш;
- Мижозлар mobil банкинг орқали банк хизматларига олдиндан навбатга туриб олишлари учун имкон яратиш мақсадида электрон навбат тизими билан mobil иловани интеграциялаш;

- “Шахсий кабинет” тизимида юридик шахсларга банк хизмат тарифларини танлаш, ҳамда “Интернет-банкинг” хизматига уланиш учун банкка келмасдан масофадан туриб аризани жўнатиш ва шартномани имзолаш имкониятини яратиш;
- MyAlliance мобил илова орқали банк SWIFT ўтказмасини жўнатиш. Ушбу хизмат жисмоний шахсларга SWIFT тизими орқали трансчегарашибанк ўтказмаси операцияларини амалга ошириш имкониятини яратади.

#### **Банк ходимларини камол топтириш**

Банк жамоаси банкнинг асосий бойлиги ва рақобатбардошлик афзаллиги ҳисобланади. Ходимларни бошқариш тизимининг асосий мақсади банкнинг интеллектуал капиталини самарали бошқариш ва ривожлантиришдан, мутахассислар командасини банк стратегиясини оптимал харажатлар шароитида амалга оширишга қодир бўлган ишчанлик даражасида тутишдан, ходимларнинг хусусий ва банк манфаатларини уйғунлатиришга йўналтирилган касбий салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат.

2020 йилда банкнинг ходимлар салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- банк Бош фоисини ва филиалларини банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган малкали мутахассислар билан ҳам, худди шу каби келгусида ўсиш истиқболига эга бўлган ёш битирувчилар билан ҳам тўлдириб бориш;
- ўқитишнинг янги технологияларини қўллаган ҳолда ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг республикадаги йўналтирилган ўқув юртларида таълим олишини, шунингдек турли маҳаллий/халқаро тренингларда, дастурларда, семинарларда иштирок этишини уюштириш;
- банк операцияларига ихтисослашган ўқув марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали аудиторларнинг малакасини доимий ошириб бориш;
- касбий билимларни ошириш билан бар қаторда ходимларнинг шахсий хусусиятларини, жамоада аҳил ишлаш сифатларини ривожлантиришга қаратилган тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- маркетинг, услубий ишланмалар ва МҲС ни жорий этиш соҳасида ходимлар салоҳиятини ошириш, шунингдек уларни янги банк хизматларини ривожлантириш ва жори йэтиш ишларига фаол жалб этиш;
- банк фаолиятини умум қабул қилинган халқаро меёrlар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш ва янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва “давра сұхбат”ларини ташкил этиш;
- банкнинг барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлашга, унинг нуфузини мустаҳкамлашга ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган корпоратив ахлоқ ва усулни кундалик иш меёри ва анъанасини жорий этиш;
- қўйилган мақсадларга эришида ва вазифаларни бажаришда пировард натижага интилишни рағбатлантириш учун ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш механизmlарини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

## МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 2020 йилда асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор динамкасига эришиш кутилмоқда.

Фаолият миқёсини кенгайтира борар экан, банк молия бозорида эришилган мавқеларни сақлаб қолишга ва кредитлаш ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Айни чоқда, Банк баланси ва даромадлари тузилмасини сифат жиҳатдан ўзгартиришга алоҳида эътибор ажратилади. Бунда банк фаолияти энг муҳим кўрсаткичларининг халқаро молия институтлари томонидан тавсия этилган ҳамда янги Базель келишувина мувофиқ келадиган оптимал нисбатига эришиш бош вазифамиз этиб белгиланган. Банк операцияларини кенгайтиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тавсия этилган банк тизимининг юқори даражадаги молиявий турғунлигини таъминлаш бўйича иқтисодий меёrlарни сўзсиз бажаришга қаратилади.

Банкнинг капитал базаси асосан банк ички манбалари ҳисобига, яъни, банкнинг соф даромадини капитализация қилиш ҳисобига ўсиб боради. Заем ресур базасини шакллантирилиши юридик ва жисмоний шахларнинг маблағларини жамғармаларга жалб этиш, банкнинг қарзга оид қимматли қоғозларини чиқариш орқали амалга оширилади.

Юқорида келтирилган таомиииларни ҳисобга олган ҳолда Бизнес-режага банк фаолиятининг истқбол кўрсаткичлари илова қилинмоқда.

Бизнес-режада кўзда тутилган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши учун банк фаолиятининг қуида келтирилган асосий мақсад ва истқбол кўрсаткичлари кўзда тутилмоқда. Мазкур мақсад ва истиқбол кўрсаткичлари банкнинг ҳар бир бўлинмаси ва фаолият йўналиши бўйича алоҳида батафсил истиқбол режаларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

**ИСТИҚБОЛ БАЛАНСИ (млн. сүмда)**

	<b>01.10.2019й. ҳолатига факт</b>	<b>01.01.2020й. ҳолатига истиқбол</b>	<b>01.04.2020й. ҳолатига истиқбол</b>	<b>01.07.2020й. ҳолатига истиқбол</b>	<b>01.10.2020й. ҳолатига истиқбол</b>	<b>01.01.2021й. ҳолатига истиқбол</b>
<b>АКТИВЛАР</b>						
Кассадаги нақд пул	177 409	198 760	204 783	210 988	214 169	217 397
ҮзРМБдан олиниши лозим бўлган маблағлар	260 864	306 963	316 264	325 847	330 759	335 746
ҮзРМБдан олиниши лозим бўлган маблағлар МЗҲ	66 272	76 718	79 043	81 438	85 158	89 048
Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар	100 162	115 782	124 014	135 514	153 168	165 411
Олди-сотди қимматли қофозлари	29 110	29 594	51 105	59 057	60 380	60 600
<b>Кредит ва лизинг, соф</b>	<b>1 540 624</b>	<b>1 569 639</b>	<b>1 715 352</b>	<b>1 819 652</b>	<b>1 920 553</b>	<b>1 995 848</b>
Инвестициялар	10 540	10 540	540	540	540	540
Асосий воситалар	95 508	95 410	101 250	108 500	118 561	129 039
Номоддий активлар	5 579	5 166	15 528	19 728	30 187	31 102
Бошқа активлар	49 494	54 333	58 196	60 554	63 630	65 558
<b>ЖАМИ АКТИВЛАР</b>	<b>2 335 563</b>	<b>2 452 905</b>	<b>2 666 075</b>	<b>2 821 818</b>	<b>2 977 105</b>	<b>3 090 289</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>						
Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	772 868	787 969	835 641	894 629	958 594	1 047 482
Жамғарма депозитлар	92 289	95 094	108 757	112 053	121 791	125 481
Муддатли депозитлар	826 618	859 506	994 985	1 076 691	1 108 185	1 115 955
Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар	12 496	14 466	14 905	15 356	15 822	16 301
Кредит линиялар ва бошқа қарз маблағлари	262 748	295 937	310 982	323 794	337 150	351 072
Чиқарилган облигациялар	33 255	40 000	50 000	50 000	50 000	50 000
<b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР</b>	<b>2 057 138</b>	<b>2 168 249</b>	<b>2 338 814</b>	<b>2 494 450</b>	<b>2 631 049</b>	<b>2 728 504</b>
<b>КАПИТАЛ</b>						
Устав капитали	167 482	167 482	184 230	184 230	184 230	184 230
<b>ЖАМИ КАПИТАЛ</b>	<b>278 425</b>	<b>284 758</b>	<b>325 914</b>	<b>338 053</b>	<b>354 270</b>	<b>357 045</b>
<b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ</b>	<b>2 335 563</b>	<b>2 452 905</b>	<b>2 666 075</b>	<b>2 821 818</b>	<b>2 977 105</b>	<b>3 090 289</b>

**ДАРОМАДЛАР ВА ҲАРАЖАТЛАР ТҮГРИСИДА  
ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИ (млн. сүмда)**

	<b>01.04.2020 йилга истиқбол</b>	<b>01.07.2020 йилга истиқбол</b>	<b>01.10.2020 йилга истиқбол</b>	<b>01.01.2021 йилга истиқбол</b>
<b>ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>92 853</b>	<b>169 706</b>	<b>282 843</b>	<b>426 132</b>
<b>ФОИЗЛИ ҲАРАЖАТЛАР</b>	<b>55 370</b>	<b>102 739</b>	<b>171 232</b>	<b>257 829</b>
<b>СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>37 483</b>	<b>66 967</b>	<b>111 611</b>	<b>168 303</b>
Кредит заарларни баҳолаш	2 632	5 264	8 774	13 161
<b>КРЕДИТ ЗАРАРЛАРДАН КЕЙИН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>34 851</b>	<b>61 702</b>	<b>102 837</b>	<b>155 142</b>
<b>ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>34 813</b>	<b>69 626</b>	<b>116 043</b>	<b>174 064</b>
<b>ФОИЗСИЗ ҲАРАЖАТЛАР</b>	<b>11 385</b>	<b>22 770</b>	<b>37 949</b>	<b>56 924</b>
<b>СОФ ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>23 428</b>	<b>46 856</b>	<b>78 094</b>	<b>117 140</b>
<b>ОПЕРАЦИОН ҲАРАЖАТЛАР</b>	<b>45 713</b>	<b>83 426</b>	<b>139 043</b>	<b>209 451</b>
<b>СОЛИҚЛАР ТҮЛАНГУНГА ҚАДАР СОФ ФОЙДА</b>	<b>12 566</b>	<b>25 132</b>	<b>41 887</b>	<b>62 831</b>
Кредит бўлмаган заарларни баҳолаш	99	198	330	495
Даромад солигини баҳолаш	2 465	4 931	8 218	12 327
<b>СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)</b>	<b>10 002</b>	<b>20 004</b>	<b>33 340</b>	<b>50 010</b>
<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>127 666</b>	<b>239 332</b>	<b>398 886</b>	<b>554 656</b>
<b>ЖАМИ ҲАРАЖАТЛАР</b>	<b>117 664</b>	<b>219 328</b>	<b>365 546</b>	<b>504 457</b>